

Нақд пул муомаласи бўйича қисқача шарҳ

2024 йил давомида нақд пул муомаласи банкларга нақд пуллар тушуми манбаларида ва банклардан берилган нақд пул мақсадлари бўйича кескин таркибий ўзгаришларсиз, номинал миқдорининг ўсиши фонида шаклланди.


Мазкур ҳолат муомаладаги нақд пулларнинг ўтган йил бошига нисбатан **17 фоизга** ошгани ҳолда, аҳолининг даромадлари кўпайиши ва харид қобилиятини ўсиши ҳисобига юзага келди.

2024 йилда умумий пул тушумлари (нақд пул ва терминал тушумлари) **840 трлн.** сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан **26 фоизга** ошди.

Жумладан, умумий пул тушумларида терминал (шу жумладан, мобил иловалар) орқали тушумлар улуши 2023 йилдаги **38 фоиздан** 2024 йилда **40 фоизга** ўсиши кузатилди. Савдо ва хизматлар соҳасида терминал тушумлари (шу жумладан, мобил илова орқали тўловлар) салмоғи ўтган йилдаги **40 фоиздан 44 фоизга** етди.

1-расм: Умумий пул тушумлари таркиби ва динамикаси

трлн.сўмда



Марказий банк томонидан иқтисодиётни зарур миқдорда нақд пуллар билан таъминлаш ҳамда ортиқча нақд пулларни муомаладан қайтариб олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиб борилмоқда.


2024 йилда банклар орқали нақд пул айланмаси ҳажми **1 011 трлн.** сўмни (нақд пул тушумлари – 501 трлн.сўм, берилган нақд пуллар – 510 трлн.сўм) ташкил этгани ҳолда, 2023 йилга нисбатан **22 фоизга** ошди.

Жумладан, банкларга нақд пул тушумлари ўтган йилга нисбатан **87 трлн.** сўмга ёки **21 фоизга** ўсди.

Хусусан, банк хизматларидан нақд пул тушумлари **33 трлн.** сўмга, савдо тушумлари **22 трлн.** сўмга ва пуллик хизматлардан тушумлар **16 трлн.** сўмга кўп бўлди.

2-расм: Нақд пул тушумлари ҳажми ва таркиби динамикаси

трлн.сўмда




2024 йилда банк кассалари (шу жумладан, банкоматлар) орқали жами берилган нақд пуллар 2023 йилга нисбатан **92 трлн.** сўмга ёки **22 фоизга** ошди.

Мазкур ҳолат асосан банк карталаридан нақд пул ечиш ҳажмининг **37 трлн.** сўмга ҳамда банклар томонидан аҳолидан нақд чет эл валютасини сотиб олиш учун берилган нақд пуллар ҳажмининг **27 трлн.** сўмга ўсиши ҳисобига юзага келди.

3-расм: Банклардан нақд пулдаги чиқимлар ҳажми ва уларнинг мақсадлари бўйича таркибий динамикаси

трлн.сўмда



2024 йилда банк карталарига кирим қилинган маблағлар (1 034 трлн. сўм) 2023 йилга нисбатан **1,3 баробар**га ошиб, ушбу даврда банк карталаридаги **226 трлн.** сўм (ўтган йилга нисбатан **19,5 фоиз** кўп) маблағлар нақдлаштириб олindi.

4-расм: Банк карталарига келиб тушган маблағлар ва уларни нақдлаштириш ҳажмлари динамикаси


трлн.сўмда



Банкларга тушган нақд пуллар ва уларга бўлган талаб ўртасидаги фарқ Марказий банк томонидан муомалага қўшимча нақд пулларни чиқариш орқали таъминлаб борилди.

Хусусан, Марказий банк томонидан 2024 йилда муомалага қўшимча **10,3 трлн.** сўм нақд пуллар чиқарилди ва 2025 йил 1 январь ҳолатига нақд пулларнинг умумий пул массасидаги улуши **19,2 фоиз**ни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,3 фоиз** бандга пасайди.

5-расм. Муомаладаги нақд пулларнинг пул массасидаги улуши динамикаси




Муомаладаги нақд пулларнинг номинал қиймати бўйича таркиби тўғрисида

2024 йил давомида Марказий банк томонидан қўшимча нақд пулларнинг (янги намунадаги) муомалага чиқарилиши натижасида банкнотлар умумий сони **152 млн.** донага кўпайди.


Ўз навбатида, муомаладаги нақд пуллар таркибида уларнинг миқдори бўйича 200 000 сўмлик банкнотлар улуши 2024 йилда – **18,6 фоиздан 23,4 фоизга**, 20 000 сўмликнинг улуши – **4,4 фоиздан 6,7 фоизга** етган бўлса, 100 000 сўмлик банкнотлар улуши – **42,5 фоиздан 40,9 фоизга**, 50 000 сўмликнинг улуши – **20,5 фоиздан 16,6 фоизга** камайди.

6-расм: Муомалага чиқарилған банкнотлар ва тангаларнинг номинал қийматлари бўйича улуши

2024 йил 1 январь ҳолатига




2025 йил 1 январь ҳолатига



Нақд пул муомаласини ташкил этишда аҳолига қулайлик яратишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида муомаладаги эски намунадаги банкнотларни босқичма-босқич қайтариб олиш ва уларни янгилари билан алмаштириш чоралари кўрилди.

Натижада, 5 000 сўмлик банкнотлар таркибида эски намунадаги банкнотлар миқдори 2023 йилдаги **67 фоиз**дан 2024 йилда **25 фоизга**, 10 000 сўмлик банкнотларда – **64 фоиз**дан **24 фоизга**, 50 000 сўмлик банкнотларда – **61 фоиз**дан **25 фоизга** ва 100 000 сўмлик банкнотларда – **39 фоиз**дан **18 фоизга** қисқарди.

7-расм: Эски намунадаги банкнотларнинг улуши (фоизда)



Шу билан бирга, чакана савдо ва аҳолига пуллик хизматлар соҳасидаги ҳисоб-китобларда қайтим пуллари (майда пуллар) сифатида фойдаланиш учун 2024 йил давомида қўшимча **54,5 млрд.** сўмлик янги тангалар муомалага чиқарилди ҳамда уларнинг жами муомаладаги нақд пуллар таркибидаги миқдорий салмоғи **0,3 фоизни** ташкил этди.